



УДК: 633.511;631.542.4.

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ-САЗ ТУПРОҚЛАРИДА ЧИГИТЛАРНИНГ УНИБ ЧИҚИШИНИ АНИҚЛАШ

Убайдуллаев Мадаминжон Мўминжонович,  
"Озиқ-овқат технологияси ва хавфсизлиги" кафедраси доценти.  
Фарғона давлат техника университети

E-mail: [mubaydullaev6554@gmail.com](mailto:mubaydullaev6554@gmail.com)

tel: +99(890) 274-65-54

**Аннотация:** Тажрибаларда 2018-2022 йилларда чигит экилгандан сўнг, ниҳоллар кўрина бошлаши билан кузатувлар бошланди ва ҳар 3 кун мобайнида давом эттирилди. 3-тажрибанинг охири (2022) йилидаги кузатувларда 1-2 йилларга яқин маълумотлар олиниб, кузатувни охири муддатида (20-апрел) гўза навларига (С-8290, Наманган-77, С-9090 ва Андижон-35) мутаносиб равишда ниҳолларнинг униб чиқиш даражалари 87,9; 87,1; 90,1 ва 87,8% га тенг бўлганлиги аниқланган

**Калим сўзлар:** тупроқ шароити, қатлам, чуқурлик, минераллар, гумус миқдори.

**Аннотация:** В опытах в 2018-2022 годах после посева семян хлопчатника наблюдения начинались с появления всходов и продолжались каждые 3 дня. В наблюдениях в последний год (2022) 3-го опыта были получены данные, близкие к 1-2 годам, и в последний период (20 апреля) уровень всхожести проростков составил 87,9; 87,1; 90,1 и 87,8% соответственно.

**Ключевые слова:** состояние почвы, слой, глубина, минеральные вещества, содержание гумуса.

**Abstract:** In the experiments conducted in 2018-2022, after sowing cotton seeds, observations began with the appearance of seedlings and continued every 3 days. In the observations of the last (2022) ear of the 3rd experiment, data were obtained for about 1-2 ears, and at the last observation period (April 20), the germination rates of seedlings were 87.9; 87.1; 90.1 and 87.8% respectively.

**Key words:** soil condition, layer, depth, minerals, humus content.



### **Кириш.**

Дехқончиликда кўзланган ҳосилни етиштиришда кўчат қалинлигининг мақбул бўлиши асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қолаверса, пахтачиликда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ҳам мақбул кўчат қалинлигига эришиш тадқиқотнинг сифатли бажарилишини таъминлайди.

Маълумки, ғўза ниҳолларининг тўлиқ униб чиқишини ва белгиланган назарий кўчат қалинлиги ҳосил бўлишини таъминлайдиган омилларга ернинг текислиги, шудгорнинг сифати шунингдек, тупроқнинг механик таркибига қараб ер тайёрлаш ишларининг олиб борилиши, тупроқ намлиги ва ҳарорати, чигитни экишга тайёрлаш ҳамда экишни тавсияномалар асосида ўтказилиши кабилар муҳим аҳамият касб этади.

### **Тадқиқот услубиёти.**

Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, 2018-2022 йиллар давомида мавзу юзасидан тадқиқотларимиз Фарғона вилоятининг Кува туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий тажриба станциясининг ўтлоқи соз, механик таркибига кўра оғир кумоқ, кам шўрланган, сизот сувлари 1,6-1,8 метр чуқурликда жойлашган тупроқ шароитида олиб борилди.

### **Тадқиқот натижалари.**

Тажрибаларда чигит экилгандан сўнг, ниҳоллар кўрина бошлаши билан кузатувлар бошланди ва ҳар 3 кун мобайнида давом эттирилди.

2020-2022-йилларда ўтказилган 3-тажрибада С-8290, Наманган-77 ва С-9090, Андижон-35 ғўза навлари экилиб, бошқа дефолиантларнинг самарадорлиги аниқланган.

3-тажрибанинг охири (2022) йилидаги кузатувларда 1-2 йилларга яқин маълумотлар олиниб, кузатувни охири муддатида (20-апрел) ғўза навларига (С-8290, Наманган-77, С-9090 ва Андижон-35) мутаносиб равишда ниҳолларнинг униб чиқиш даражалари 87,9; 87,1; 90,1 ва 87,8% га тенг бўлганлиги аниқланган.

Таъкидлаш керакки, бу тажрибани биринчи йили аввалги 2 та тажрибани 3-йилларига (2020) тўғри келганлиги учун ниҳолларни униб чиқиш динамикасини аниқлаш бир муддатда яъний 5-майда бошланган. Бунда ғўза навларининг чигитларини униб чиқиш жадаллиги мутаносиб равишда 55,3; 47,8; 56,8 ва 52,6% ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткичлар кузатувни охирида 86,2; 85,3; 88,4 ва 86,1% га тенг бўлганлиги аниқланган.



Чигитнинг униб чиқиш суръати, 11,1 пм.

Ўза навлари	Кузатув муддатлари		
	<b>2020 йил</b>		
	<b>05. V</b>	<b>07. V</b>	<b>09. V</b>
<b>С-8290</b>	55,3	67,9	86,2
<b>Наманган-77</b>	47,8	66,5	85,3
<b>С-9090</b>	56,8	69,1	88,4
<b>Андижон-35</b>	52,6	67,8	86,1
<b>2021 йил</b>			
	<b>19. IV</b>	<b>21. IV</b>	<b>23. IV</b>
<b>С-8290</b>	56,7	69,3	87,6
<b>Наманган-77</b>	51,3	68,0	86,8
<b>С-9090</b>	58,2	70,5	89,9
<b>Андижон-35</b>	54,0	69,2	87,5
<b>2022 йил</b>			
	<b>16. IV</b>	<b>18. IV</b>	<b>20. IV</b>
<b>С-8290</b>	57,0	69,6	87,9
<b>Наманган-77</b>	50,5	68,3	87,1
<b>С-9090</b>	58,6	70,8	90,1
<b>Андижон-35</b>	55,3	69,7	87,8

Бу рақамларга қараганда кузатувни бошидаёқ С-9090 ўза навини ниҳолларининг униб чиқиш даражаси С-8290 дан 1,5% га, Наманган-77 дан 9,0% га ва Андижон-35 навиникидан 4,2% га юқори бўлган ҳолда охирида мутаносиб равишда яна 2,2; 3,1 ва 2,3% га ортганлиги кузатишган. Лекин, яна бир ҳолатга ойдинлик киритиш керакки, С-8290 ўза навининг ниҳолларини униб чиқиш даражаси аввало 1-тажрибада йиллар бўйича (82,6; 85,3 ва 86,6%) қолаверса тажрибалар (1-3) бўйича ҳам фарқланганлиги кузатилиб, 2018, 2018 ва 2020 йилларда ўтказилган тажрибаларни биринчи йилларида мутаносиб равишда 82,6; 84,2 ва 86,2% ни ташкил этганлиги аниқланган.





### 1-расм. Униб чиққан ниҳоллар сонини аниқлаш жараёни

Кузатувларнинг иккинчи муддатида (07.05; 14.05 ва 30.04) С-8290 ғўза нави ниҳолларининг униб чиқиши тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 64,6-63,9-66,3% униб чиққан бўлса, С-6775 навида бу кўрсаткичлар 66,3-53,1-61,0% га тенг бўлди. Учинчи муддатда (09.05; 18.05 ва 02.05) С-8290 ғўза нави ниҳолларининг униб чиқиши тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 82,6-85,3-86,6% униб чиққан бўлса, С-6775 навида бу кўрсаткичлар 81,0-83,1-84,0% га тенг бўлганлиги аниқланди.



### 2-расм. Ўлчов қозикларини жойлаштириш жараёни



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2018 йилда ғўза навлари ниҳолларининг униб чиқишини аниқлаш бўйича кузатувлар май ойида олиб борилган бўлса, кейинги йилларда эса апрелда аниқланди. Бу ҳолатни йилнинг об-ҳаво шароитига боғлаш мумкин.

**Хулоса.** Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, тажриба олиб бориш учун барча йиллар мобайнида ҳам чигитлар етарлича ундирилди ва тўлиқ ниҳол олишга эришилди. Демак, олиб борилган 3 та тажрибада экилган С-8290, Наманган-77, С-9090 ва Андижон-35 навларининг ниҳолларини униб чиқиш жадаллиги бўйича қуйидаги ўринларни эгаллаган:

С-9090, С-8290, Андижон-35, Наманган-77 ва С-6775. Яна шуни ҳам айтиш керакки, ғўза навларининг ниҳолларининг униб чиқиш жадаллиги уларнинг ўсиши, ривожланишида, қуруқ масса тўплашида, қолаверса пахта ҳосили кўрсаткичларида ўз ифодасини топган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Madaminjon Ubaydullaev, Sultanbek Allanazarov, Jasurbek Komilov. Yeffect of Weeding on Cotton Weight Per Boll and Cotton Yield Depending on Seedling Thickness of Medium Fiber Cotton Varieties BIO Web of Conferences 78, 03012 (2023)  
[https://www.bioconferences.org/articles/bioconf/abs/2023/23/bioconf\\_mtsitvw2023\\_03012/bioconf\\_mtsitvw2023\\_03012.html](https://www.bioconferences.org/articles/bioconf/abs/2023/23/bioconf_mtsitvw2023_03012/bioconf_mtsitvw2023_03012.html)
2. Ubaydullayev, M., & Kurbanova, U. (2023). THE INFLUENCE OF DEFOLIANTS ON THE TECHNOLOGICAL QUALITY INDICATORS AND CHEMICAL COMPOSITION OF SEED. Science and innovation, 2(D4), 26-30.
3. Ubaydullaev, M. M., & Saetbekovna, Q. U. (2023). DEFOLIATSIYA O'TKAZISH UCHUN DALALARNI TANLASH VA TAYYORLASH. Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan, 1(9), 322-328.
4. Mo'minjonovich, U. M., & Saetbekovna, Q. U. (2023). YEFFECT OF DEFOLIANTS ON COTTON WEIGHT. Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan, 1(9), 316-321.
5. Ubaydullayev, M. M. (2022). YANGI DEFOLIANTLAR HOSILDORLIK GAROVI. Arxiv nauchnykh issledovaniy, 2(1).
6. Mo'minjonovich, U. M. (2022). Yeffectiveness Of Defoliants. Yeurasian Research Bulletin, 8, 9-





- 7.Mominjonovich, U. M., & Ogli, M. I. V. (2022). STUDY AND ANALYSIS OF TECHNOLOGICAL PROCESSES OF COTTON DRYING IN A CLUSTER SYSTEM. International Journal of Advance Scientific Research, 2(11), 6-10.
- 8.Ubaydullaev, M. M., & UT, T. (2022). DETERMINATION OF APPROPRIATE NORMS AND TERMS OF DEFOLIANTS. American Journal Of Applied Science And Technology, 2(05), 18-22.
- 9.Ubaydullaev, M. M., & Makhmudova, G. O. (2022). MEDIUM FIBER S-8290 AND S-6775 COTTON AGROTECHNICS OF SOWING VARIETIES. Yeuropean International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(05), 49-54.
- 10.Ubaydullaev, M. M., & Komilov, J. N. (2022). YeFFECT OF DEFOLIANTS FOR MEDIUM FIBER COTTON. International Journal of Advance Scientific Research, 2(05), 1-5.
- 11.Ubaydullaev, M. M., & Mahmutaliyev, I. V. (2022). YeFFECTIVENESS OF FOREIGN AND LOCAL DEFOLIANTS ON THE OPENING OF CUPS. International Journal of Advance Scientific Research, 2(05), 6-12.
- 12.Ubaydullaev, M. M., & Sulstonov, S. T. (2022). DEFOLIATION IS AN IMPORTANT MEASURE. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(05), 44-48.
- 13.Ubaydullaev, M. M., & Nishonov, I. A. (2022). The Benefits of Defoliation. Yeurasian Journal of Yengineering and Technology, 6, 102-105.
- 14.Ubaydullayev Madaminjon Mo'minjon o'g'li, & Ma'rufjonov Abdurahmon Mo'sinjon o'g'li. (2022). BIOLOGICAL YeFFICIENCY OF FOREIGN AND LOCAL DEFOLIANTS. "science and innovation" international scientific journal, 1(2). <https://doi.org/10.5281/zenodo.6569808>
- 15.Ubaydullayev, M. M. (2021). G 'o 'zada defoliatsiya o 'tkazishning maqbul me'yor va muddatlari. Monografiya.-Corresponding standards and terms of defliation of cotton. Monograph.-. Sootvetstvuyushie normy i sroki defoliatsii xlopka. Monografiya. Zenodo.

